● *Шу куннинг гапи*

# ФЕРМЕРНИНГ ФИҒОНИ ФАЛАККА ЧИҚДИ. НЕГА?

"САМАРҚАНДҚУДУҚ" ижара-ширкат уюшмасида фермерлар аҳволи билан танишаётган эдик. Маъмуриятдагилар "Қишлоқдаги фермерларни қўяверинг, кимсасиз оролчада ферма тузиб, катта иш қилаётган Шукур аканинг аҳволидан хабар олсангиз бўларди", деб қолишди.

Ўша ёққа йўл олдик. Жиззах тумани ҳокимининг муовини Муртазоқул Эргашев бизга ҳамроҳ бўлди. Борганимизда Шукур ака "тутаб" турган эканми, бирдан оловланиб, фиғони фалакка чиқиб кетди.

— Фермер ҳолидан ҳам хабар олувчи топиларкан-ку,— деди у киши йиғламсираб.

Наҳотки, бу одамнинг дарди шунчалик оғир бўлса, деган хаёл кечди кўнглимиздан.

— Тинчликми, Шукур ака, ҳол-аҳвол ҳам сўрашмай, ҳасратдан бошладингиз,— ҳазиллашдик.

— Э, нимасини айтасиз, мухбир келди деб эшитиб, ўзим жўнай деб турувдим, яхши келиб қолдинглар, зора дардимни тўкиб, енгил тортсам, икки йиллик сарсончилигимга чора топилса.

— Нима оворагарчилик, билсак бўладими?

— Ҳозир,— деди-ю, Шукур ака ичкарига кириб, қора сумка олиб чиқди. Ичидан бир даста қоғоз олиб, бизга узатди.— Дардим шу ерда ёзилган, аввалдан ёзиб қўйганман, лекин жўнатишга юрагим дов бермай турувди.

Қоғозларни варақлаб кўрдик. Ҳужжатлар орасидан "Халқ сўзи"га ёзилган ариза чиқиб қолди. Воқеа ойдинлашуви учун ариза баёнини батафсил келтиришни лозим топдик:

"1992 йилда фермер бўлиб, элимга нафим тегсин, деб ўн фарзандим ва уларнинг онаси билан маслаҳатлашиб, вилоят йўл бошқармаси тасарруфидаги ташландиқ чўчқахонани бир миллион 548 минг сўмга сотиб олдим. Кимсасиз тўқайзорда пашшага таланиб, мол-қўй боқабошладик. Шу биноларни хусусий қилиб олиш учун вилоят хусусийлаштириш бошқармаси бошлиғи Аброр Каримовга бир йил қатнадим. У ҳужжатингиз тўғри эмас, деб ишни асоссиз чўзаверди. Охири мендан "шапка" сўради. Бермасам бўлмайди, кўп кетганнинг бири, деб ўнта қўйни сотиб, 4 минг сўм олиб бориб бердим. Иш бирдан юришиб кетди. Аброр Каримов ҳужжатларимни туман хусусийлаштириш бўлими бошлиғи Норпўлат Акромовга жўнатганини, у тез ҳал қилиб беришини айтди. Норпўлат ҳам роса бир ярим йил овора қилгач, "папкамни" қайтариб берди. Нарх ошиб кетган, вилоятга боринг, деди. 1994 йил февралида ноилож яна Жиззахга бордим. Аброр Каримов мени қабул қилмади. Бир вақт Авазов деган муовини ҳуқуқшуноси билан хонасига чақирди. Киришим билан ҳисоблаш машинкасида алланималарни ҳисоблагач, кулимсираб "дардини" айтди. "Молхонани охирги нархда баҳолаб берадиган бўлсак сизга жабр бўлиб кетади, эски нархда чиқариб бериш учун бир эришингиз керак" деди. Мен майли ука, пулим йўқ, учта қўчқор бераман дедим. У кўнмади, қани сўраб чиқайчи, деб Аброр Каримовнинг олдига кириб кетди. Бир маҳал чиқиб, бўлмас экан, 8 миллион берасиз, деди. Жоним чиқиб кетди, бошлиғининг олдига қандай отилиб кирганимни билмайман, нима десам дедим. У бўлса дангалига "қаерга борсанг бор...", деб айтди. Юрагим тўхтаб қолай деди, афтода ҳолда зўрға болаларим олдига қайтиб келдим. Алам қиларкан кишига, чорак аср раҳбарлик қилиб, ўн фарзандли, 34 неварали бўлган чоғда элга нафим тегармикан деган ўйда ҳовли-жойимни, кампиримга "Қаҳрамон она"лиги учун берилган машинани сотиб, бир ташландиқ чўчқахонани олиб ишлаётган бўлсам-у, уни расмийлаштиролмай, икки йил саргардонлик устига ҳақорат эшитсам. Ахир мен ўғирлик қилаётганим йўқ. Меҳнатимни яхшилар кўриб, билиб туришибди. Туман ҳокими Муқим Ҳасанов молхонага икки марта келди. Зўр иш бошлабсиз, ёрдам берамиз, деб кетди. Кейин сотиб олишимга қарор чиқариб берди. Хўжалик раҳбаримиз Сафар Назаров бўлса кунора келади, қўлидан келган кўмагини беради. Фақат хусусийлаштириш идорасидаги тўраваччалар ишимизни тан олмаяптилар. Охирги нажот сизлардан, ёрдам беринглар".

Ҳоким муовини билан аризага илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқдик. Иброҳим Зуфаров имзо чеккан вилоят йўл хўжаликларини мувофиқлаштириш кенгашининг 1992 йил 2 декабрдаги 78-П рақамли қарорининг биринчи бандида "Пахтакор автойўл бўлими ҳисобида турган ёрдамчи хўжалик биносини фойда келтирмаётгани учун "Андагин" кичик корхонасига сотилсин", дейилган (Шукур аканинг фермер хўжалиги "Андагин" номли бўлиб аввал кичик корхона тарзида очилган экан).

Шу қарорнинг иккинчи бандида бино ва ускуналарнинг нархини аниқлаш учун комиссия ва топшириш далолатномасини тузиш Пахтакор автойўл бўлими бошлиғи З. Турғунбоевга юклатилган. Шу қарор асосида йўл бўлимида бош механик И. Турсунбоев, бош ҳисобчи А. Раймов, касаба уюшмаси раиси С. Коренкова, йўл ишчиси С. Бойсиновлардан иборат комиссия тузилган. Комиссия аъзолари мазкур бино ҳамда ўн саккиз турдаги ускуналар, ҳатто, силос чуқури, йўлкаларгача баҳосини аниқлаб, жами 1 миллион 548 минг сўмлик мулкни "Андагин" кичик корхонаси бошлиғи Шукур Абдуваҳобовга бирма-бир кўриб топширган-ликлари ҳақида далолатнома тақдим этганлар.

Яна бир қоғозда юқорида қайд этилган пул маблағи вилоят автойўл бошқармасининг Пахтакор бўлими ҳисобига келиб тушганлиги ҳақида имзо ва муҳр босилган.

Ана шу катта-кичик расмий ҳужжатларга таяниб, бу ташландиқ бинолар ва у жойлашган ўн гектарлик мутлақо фойдаланилмай ётган ерлар Жиззах тумани ҳудудида бўлгани сабабли, туман ҳокими ўзининг 1993 йил 6 январдаги қарори билан "Андагин" ихтиёрига берган.

Фермер қўлидаги бу ҳужжатларни бир-бир кўриб, ўйланиб қоласан киши. Наҳотки, улар хусусийлаштириш идоралари учун ҳеч нарсага арзимаса?

Воқеага аниқлик киритиш мақсадида вилоят хусусийлаштириш бошқармасида бўлдик. Минг афсуски, бошлиқ муовини Анорбой Авазов, ҳуқуқшунос Ҳожибек Ортиқовлар ишдан бўшаб кетишган экан. Ҳозир қаерда эканликларини ҳеч ким айтмади.

Шундан сўнг бошқарма бошлиғи Аброр Каримовга учрашдик. Бошлиқ фермер тақдим этган ҳужжатлар "папка"сини кўрсатди ва у 1991 йилнинг февраль, ноябрь ойларидаги Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунларига мос келмаслигини айтди.

— Абдуваҳобов сизга кўп марта мурожаат қилган-ку, қандай ҳужжатлар тақдим қилишини унга айтмаганмисиз?— деб сўрадик бошлиқдан.

— Аввало, кўп марта эмас,— деди бошлиқ Абдуваҳобов ёзган аризани кўрсатиб. Аризада фермер имзоси ёнига 1994 йил 14 январь деб ёзиб қўйганини кўрдик. Иккинчи марта Абдуваҳобов туман хусусийлаштириш бўлими ишини ҳал қилиб бермаётгани хусусида 1994 йилнинг 19 февралида билдиришнома ёзибди. Ушбу арз асосида бошлиқ муовини А. Авазов, молия-ҳуқуқ бўлими бошлиғи У. Абдураҳмонов, туман хусусийлаштириш бўлими бошлиғи Н. Акромов, ҳуқуқшунос Х. Ортиқовлардан иборат комиссия тузилиб, иш моҳиятини ўрганиб чиқиш топширилибди. Комиссия ўзининг 24 февралдаги қарорида фермер Ш. Абдуваҳобовнинг барча даъволари асоссиз экани таъкидланиб, ҳужжатлар қонун даражасида расмийлаштирилиб, фермер аризаси бошқармада қайд этилгандан кейингина мулк давлат комиссияси орқали қайта баҳоланиб, унга берилиши лозимлиги хусусида якун чиқарган.

Бир сўз билан айтганда, арзимас келишмовчиликлар туфайли икки томон ҳам бир-бирини тушунмаётгани, тўғриси тушунишни хоҳламаётгани аён бўлди. Бошқарма бошлиғи Аброр Каримовнинг айтишича, давлат мулкини сотишда ўзбошимчалик қилишга ҳеч қандай корхона раҳбарининг ҳаққи йўқ, пул корхона чўнтагига эмас, давлат хазинасига тушиши керак экан. Ҳатто, у мулк хусусийлаштирилмасдан олдин қарор чиқаришга ҳокимнинг ҳам ваколати йўқлигини айтди.

Энди фермер Шукур Абдуваҳобовнинг даъвосига қулоқ тутинг:

— Мен бу мулкни сотиб олганимда хусусийлаштириш идораларининг ўзи йўқ эди. Бугун эса янги нархларда қайта баҳолатадиган бўлсам, катта зарар кўраман.

Фермернинг бугунги аҳволини қанча тушунтирмайлик, унга ёрдам бериш лозимлигини айтмайлик, Аброр Каримов ўзининг охирги сўзида қатъий туриб олди:

— Қаерга борса борсин, қонун олдида мен ҳақман, агар кўнмаса бошқача чора кўришга ҳам мажбурман.

Биз "бошқача чора" кўрилиб, бу жойларнинг фермер ихтиёридан зўрлик билан тортиб олинишини сира истамасдик. Чунки, унинг оиласи қай шароитда, қандай қийин аҳволда кун кечириб, собиқ аэропорт ҳудудидаги икки зовур ўртасида жойлашган эгасиз оролчада мол боқаётганини кўрдик. Бир томондан юрагимиз ачиди, иккинчи томондан ҳавасимиз келди.

Шу йилнинг июнь ойида фермер хўжалик сифатида рўйхатдан ўтганига қарамай, моллар сонини 15 тага, қўйларни 50 тага етказибди. Хўжалик билан маҳсулот топшириш бўйича бу йилга шартномаси бўлмаса ҳам мустақилликнинг уч йиллиги шарафига бир тонна гўшт топширишини айтди.

Бизнингча, Шукур акадек ва унинг умр йўлдоши Марҳамат аядек қариликни тан олмай, эл-юрт учун фидойилик кўрсатиб ишлаётган тадбиркор кишиларнинг айтишга арзимас жузъий камчиликларини маҳкам ушлаб олиб, улардан таъмагирлик қилиш, қонунни рўкач қилиб, хайрли ишларига тўғаноқ бўлишнинг ўзи аслида қонунни бузишдир. Фақат буни хусусийлаштириш идораларида ўтирган масъул ходимлар тўғри тушунишлари керак. Улар бир зум жаҳл отидан тушиб, ёрдам қўлларини (беғараз) чўзсалар фермернинг иши юришиб кетиши муқаррар.

**Ҳайитбой НАБИРАЕВ**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

● *Сиз кутган учрашув: ХОЛИҚ ХУРСАНДОВ*

# "Йўқ, "Шалола"ни ҳеч ким тарқатолмайди!.."

**— Бойсуннинг нимасини яхши кўрасиз?**

– Энди ўзингиз биласиз, Бойсун майдагина жой. Шундай бўлса ҳам одамлари бир-бирига ўхшамайди. Биласизми, Бойсунда... уруғлар кўп. Улар бино бўлгандан бери маҳалла маҳалла яшайди. Бири-бири билан аралаш-қуралаш бўлиб кетмаса ҳам замоннинг ўзгариши билан бир-бирига қиз беради, келин олади. Ҳозир Бойсунда Россиядан келган келинлар бор.

**— Бегонасирамайдими?**

– Қаёқда, ғирт бойсунлик бўлиб кетишган.

**— Тараққиёт, борди-келдиларнинг қуюқлашуви уруғларни, қонларни ҳам бир-бирига аралаштириб юборди...**

– Одамлар тобора катта ҳақиқатни англаб етяпти. Илгарилари, яъни шўро замонида бизга тақдим этилган китобларни ўрганар эдик. Ҳозир эса ўзимизга керак бўлган китобларни ўрганаётирмиз. "Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ" деган ҳақиқатни англаб етмоқ учун ҳам... Ана шу нарсанинг ўзи ҳамма нарсани жой жойига қўяди. Ўзбекистоннинг мустақиллиги миллатни ҳақиқат сари юзлантирди. Ана шунинг ўзи жуда катта инқилоб. Ана энди Навоий бобо ёзганларидек, Семуруғнинг васлига етмоқ учун... яшаш мумкин.

Бунинг учун эса тоғ ошиб, осмонга учиш шарт эмас. Чунки Семурғ... юракда! Юракка етмоқ учун тоғни тешиш шарт эмас.

**— Демак...**

– Яна Навоий бободан Шайх Саънон қиссасини эсланг. Одамзод пешонасига ёзилганини кўришга маҳкум этилган.

**— Демак, "Пешонангга ёзганидан айрилма, ёр", деган қўшиқда гап кўп экан-да?**

– Ўзингиз биласиз, шоир ҳамма нарсадан таъсирланаверади. Ёзилган пайти "Пешонангнинг ёздиғидан..." эди. Сўнг ўзгартириб юборишди. "Ёздиғ" эса, ўзингиз биласиз, туркий сўз.

**— Шу қўшиқни биринчи бўлиб сиз айтган экансиз. Аммо буни ҳеч ким билмайди.**

– Мана сиз билар экансиз-ку?!

**— Йўқ, менинг шу гапим тўғрими?**

– Усмон шеърни ёзди, ёзибоқ менга берди. Кечқурун базм бор эди. Ўша базмда Холиқ акангиз шу қўшиқни айтди. Бор гап шу!

**— Оҳанг-чи?**

– Одам қандай бўлса, оҳанг шундай бўлади. Шунинг учун ҳеч ким Комилжон Отаниёзов бўлолмайди.

**— Комилжон Отаниёзовнинг нимаси зўр?**

– У кишининг зўрлигини мендан кўра ўзингиз яхши биласиз. Аввал ўзингиз айтинг-чи.

**— Мен айтсам... Биласизми, мен у кишини эшитсам кўкрагим кенгайиб кетаберади. Сўнг... дунё тиниқлашади. Ҳатто сочларимда сезги пайдо бўлади. Кейин шиддат билан... ёшим улғая бошлайди. Агар ҳозир қирққа кирган бўлсам, қўшиқ тугагунча беш юз-олти юзга, баъзан мингга кириб кетаман. Аммо йиллар мени қаритмайди. Қўшиқ тугагандан сўнг яна шиддат билан асл ёшимга қайта бошлайман.**

– Ана, кўрдингизми... Форобий бобо ҳам хасталарни мусиқа билан даволаган эдилар.

**— Умуман, нега қўшиқ айтасиз?**

– Сиз нега ёзасиз? Қўшиқ айтиш ҳам шундай гап-да.

**— Қўшиқ айтишни кимдан ўргангансиз?**

– Сиз эса ёзишни кимдан ўргангансиз?

**— Ёзишни бировдан ўрганиш... мумкин эмас.**

– Қўшиқчилик ҳам шундай: бировнинг изидан борсангиз, ҳеч ким бўлмайсиз. Мен бу ҳақиқатларни билганим учун эмас, шундай бўлганлиги учун айтаётирман. Соз чертиш, қўшиқ айтиш, умуман, бизнинг қонимизда бор. Укам Сатторни биласиз: Сурхондарёдан ташқарида ҳам мухлислари бор. Синглим ҳам санъатдан четда қолгани йўқ. Куёвимиз Умидни-ку айтиб ўтирмайин, Сурхондарёнинг Майкл Жексони бўлиб кетган. Кичик қизимиз Юлдуз-ку ҳамма ерда машҳур: мактабга бормасдан саҳнага чиққан.

**— Ёшлигингизда ҳам худди ҳозиргидай қилиб қўшиқ айтармидингиз?**

– Ёшлигида Ҳолиқ акангизнинг ҳунари кўп эди. Бирваракейига иккита институтга ҳужжат топширганман ва икковига ҳам кирганман. Бир тасодиф билан зукко тарихчининг қўлига тушиб қолдим. Ҳамма нарсани унутиб, каллани тарихга урдик. Мен айтаётган ўрис чол сиёсатдан устун турар, ана шунинг учун ҳам мен бу одамнинг ашаддий мухлисига айланган эдим. Аммо бу қисматни менга худо кўп кўрди.

**— Иттифоқ парчаланиб кетишдан илгари ҳам менга тушларингизни айтиб "Бир гап бўлади!" деган эдингиз. Тушингизда болаларингизни тоғлардаги ғорларга яшириб юрганингизни ҳадик билан гапирувдингиз.**

– Армияда хизмат қилаётганимда отам ҳақида ёмон туш кўрувдим. Эртасига ўйлаб ўтирмасдан "Булар отамни қўядими йўқми!" деб Иттифоқ Мудофаа вазирлигига хат ёздим. Шу хат сабаб катта текшир-текшир бўлибди. Отам Бойсуннинг бир чеккасини обод қилиб, экин-тикин эккандан кейин бу ер бошқаларнинг ҳам кўзига яхши кўриниб, ўша кунлари ерни тортиб олмоқнинг пайига тушиб юришган экан. Вазирликдан хат келгандан сўнг, ҳалиги жанжаллар босилипти. Буюк Британия сафарида юрганимизда ўғлимиз Самарбойнинг тоби қочганлигини билдим: яратганга илтижо қилишдан бошқа нарса қўлимдан келмади.

**— Ҳолиқ ака, "Шалола" нафақат Сурхондарёда, нафақат Ўзбекистонда машҳур, балки жаҳонга чиққан жамоа... эди. "Шалола"нинг "ШАЛОЛА" бўлишида Сизнинг хизматларингизни ҳеч ким билмаса ҳам худо билади. Аммо у кейинги пайтларда...**

– "Шалола"даги фавқулодда ички қувват унинг ўзига ёв бўлди. "Шалола" иштирокчиларининг ҳар бири бир дунё. Кейинги пайтларда "Шалола"ни республика миқёсидаги кўрик-концертлардан, байрамлардан четда қолдира бошлашди...

**— Сабаби?**

– Вилоятда бизнинг Иброҳимов деган каттамиз бор. У ана шу йўл билан "Шалола"ни йўқотиш, ҳеч бўлмаса, уни "тавбасига таянтириш" ниятида. Бу ҳақда у очиқ айтган.

**— Лекин бу республика миқёсидаги кўрикларда Сурхондарёга шуҳрат келтириш ўрнига...**

– Қизиқ экансиз, Иброҳимовга ўхшаганларнинг Сурхондарё билан нима иши бор!

**— Шунга аччиқ қилиб, "Шалола"дан кетдингизми?**

– Кетганим йўқ. Бойсун бадиий ҳунармандчилик фабрикасига директор бўлдим. Ҳозир, асосан дўппи тикяпмиз. Ҳеч жойда Бойсундагидай дўппи тиколмайди. Аста-аста Бойсунга хос бўлган ва фақат Бойсунда тайёрланадиган бошқа нарсалар ҳам чиқара бошлаймиз. Буларнинг ҳаммасини хорижлик сайёҳлар талаб кетишяпти.

**— "Шалола", қўшиқ нима бўлади?**

– "Шалола" жойида турибди. Агар шу Иброҳимовнинг тазйиқлари билан "Шалола" тарқаб кетса... Бизни ҳар қандай концертлардан четда қолдириш билан... иш битмайди. Энг муҳими, бизни, яъни "Шалола"ни халқ билади.

**— Сиз қўшиқ айтсангиз Шукур Холмирзаев нега йиғлайди?**

– Буни Шукур аканинг ўзларидан сўраш керак.

**— Мен сўрадим. "О! о, Ҳолиқ!" — дейди.**

– ...

**— Айтган қўшиқларингизнинг ҳаммасини жамлаб, радиогамителевизоргами чиқарсангиз бўлмайдими?**

– Шундай ҳаракатлар бир пайтлар бўлган эди. Бунинг устига, ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳар ҳаракатдан... Аслида мен уларнинг олдига эмас, улар менинг олдимга келиши керак. Лекин телевизорда ҳам яхши, яъни инсофли йигитлар бор: мунтазам ҳамкорлик қиламиз. Кўп йиллардан бери Темурмалик Юнусов билан бирга ишлаяпмиз.

**— Сизнинг оҳангларингизни билдирмасдан "ўзлаштириб" радио-телевизорларга олиб чиқишяпти...**

– Бу яхши эмасми, ахир! Одам бахил бўлмаслиги керак, ривоят қилишларича, Айюб пайғамбарни қирқ йил қурт еган экан. Агар бирон қурт таналаридан ерга тушиб кетса, "Эҳ-эҳ" деб, авайлаб олар эканлар-да, этини еб ётган қуртларнинг ёнига қўшиб қўяр эканлар.

**— Холиқ, ака, сиз... кимсиз?**

– Мен – Ҳолиқ Хурсандовман!

**— Йўқ мен сизнинг ёзувчилигингиз, табиблигингиз, тушларингизни ўнгидан келиши, қўшиқларингизнинг самовийлиги, дунёвий илмларингизнинг чуқурлиги... ҳақида сўраяпман.**

– Буларнинг ҳаммаси мендан сал орқароқда юрадиган... нарсалар. Энг муҳими, булар фазилат эмас. Демак, мақтанишга сабаб бўлолмайди. Агар – "Мен – Холиқ Ҳурсандовман!" десам ҳеч ким "Бекор гап!" дея олмайди. Бу дунёда шунинг ўзи катта гап эмасми?

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



● *Хушхабарлар*

## ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК РИВОЖЛАНАЯПТИ

Вилоят газ хўжалиги бошқармаси оловкорлари учун ёрдамчи хўжалик ташкил этилганлигига 10 йилдан ошди. Шу вақт ичида Задарё туманидаги кўркам жойда хўжалик қанот ёзди. Кўплаб сут ва гўшт маҳсулотлари етиштирилаяпти. Задарё газчилари ва Тўрақўрғондаги газ тўлғазиш станциясининг ходимлари узлуксиз равишда сут билан таъминланмоқда. Бошқарма ходимлари эса тез-тез гўшт олиш имконига эга бўлдилар.

Бугунги кунда ёрдамчи хўжаликда 42 бош қорамол ва 43 бош қўй бор. Ҳозир 15 бош қорамол бўрдоқига қўйилган. Хўжалик бошлиғи Ҳабибулло Ибобуллаевнинг таъкидлашича, шу йилнинг ярмида 1956 килограмм гўшт етиштирилиб, оловкорларга 18 сўмдан сотилди. 6300 литр сут етиштирилди. Хўжалик чорвадорлари келгусида соғин сигирлар сонини 20 тага етказишмоқчи.

## МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Наманган шаҳрининг 1-Май маҳалласида фуқароларнинг навбатдаги йиғини бўлди. Унда маҳалла ҳудуди кенгайиб, аҳоли сони ошиб кетганлиги боис уни бошқариш қийинлашганлигини ҳисобга олиб, янги "Бураматут" маҳалласи ташкил қилинди. Сўзга чиққан нотиқлар бу таклиф ўз-ўзини бошқаришни такомиллаштириш ва маҳалла фуқаролари ҳаётига кенгроқ эътибор беришлари кераклигини таъкидладилар. Шундай қилиб, "Бураматут" янги маҳалласи ташкил топди. Наманган шаҳридаги маҳаллалар сони эса 61 тага етди.

**Т.СУЛАЙМОНОВ.**

ПТ. Прима Комексиндо
КОМПАНИЯСИ
( Индонезия Республикаси )

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни ва бутун ўзбек халқини буюк байрам - Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг уч йиллиги билан табриклаш шарафига муяссар бўлганлигидан ғоят мамнундир.**

Сизнинг мамлакатингиз уч йил муқаддам танланган йўлдан қатъийлик ва комил ишонч билан бормоқда, демократик ҳуқуқий давлат, самарали бозор иқтисодиёти ва ижтимоий адолатли жамият барпо этмоқда. Бугунги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг бутун Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаётган тенг ҳуқуқли ва нуфузли аъзосидир.

Катта байрам арафасида Ўзбекистон халқига танланган йўлда янги-янги муваффақиятлар, бахт-саодат, тўкин-сочинлик ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

pct

## "БЕШАРИҚ" САХОВАТИ

Булунғур туманида "Бешариқ" кичик корхонасининг ташкил этилганига икки йил бўлди. Лекин ана шу муддат ичида унинг аъзолари сони 7 кишидан етмиш нафарга етди. Олинаётган даромад эса йигирма-ўттиз баробар ошди.

Корхона асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Уларнинг тасарруфида 67 гектар ер бор. Ўтган йили 65 минг деколитр вино, бир ярим тонна узум шарбати тайёрланди. Ўттиз тонна ҳар хил мева етиштирилди.

Корхона олинган фойда ҳисобига махсус дастгоҳлар харид қилди, янги цехлар қурди. Шу йилнинг ўзида икки минг тонна узум, бир ярим тонна сабзавот қайта ишланиши, уч юз тонна мева қуритилиши ва шарбат қилиниши мўлжалланаётир.

**М. МУҚИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*"ТОШКЕНТ" РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИ*
СИЗНИ ЎЗ ЖАМҒАРМАЛАРИНГИЗНИ САҚЛАШ ВА КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЕЗОВТА ҚИЛАЯПТИМИ?

- Нима сабабдан пулларни қимматбаҳо қоғозларга қўйиш манфаатлидир?
- Хусусийлаштирилаётган корхона акция (ҳисса)сини қандай қилиб сотиб олиш мумкин?
- Молиявий воситачи билан қандай шартлар асосида шартнома тузиш керак?
- Қандай қилиб қимматбаҳо қоғозлар бозорининг профессионали (моҳир устаси) бўлиш мумкин?
- Қандай қилиб фонд биржасида брокер (даллол) ўрнини сотиб олиш мумкин?

Шу ва бошқа саволларга биржада душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 15.00дан 17.00гача ишловчи **45-80-45 рақамли "ИНВЕСТОР ТЕЛЕФОНИ"** пул тўламасдан жавоб олишга ёрдам беради.

